

О'zbekiston Respublikasi  
Xorazm viloyati  
Bog'ot tumani  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Боғот тумани  
ҲОКИМИ  
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 420и

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Рахимов Фарход  
Матякубовичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб  
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласида яшовчи фуқаро Рахимов Фарход Матякубовичнинг “Тўпчи” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 18 февралдаги ХО-Р-515-сонли аризасини, “Тўпчи” маҳалла фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 17 февралдаги № 792-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Хоразм вилояти уй-жой коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси Уй-жой шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи 152<sup>КР</sup>-сонли давлат далолатномасини, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласида жойлашган 9 (тўққиз) та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 50,13 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 67,62 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 117,20 квадрат метр, қурилиш ости майдони 158,04 квадрат метр, умумий ер майдони 600,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Рахимов Фарход Матякубовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Рахимов Фарход Матякубовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қурилиши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон

Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Раҳимов Фарход Матякубовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**О.Холбоев**